

“Тасдиклайман”



Н.Н.Хайдаров

2022 йил

**БҮЮРТМАЧИ:**

**“ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАХСУС ҮРНАТИШ ФОЙДАЛАНИШ  
БҮЛИМИ”**

Ихтисослаштирилган махсус үрнатиш фойдаланиш бүлими тасарруфидаги  
йүлларни 2022 йил давомида жорий ва капитал чизиши ишларини бажариш  
учун

**ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

Термиз шаҳар 2022 йил

## **Танлов хужжатларининг мазмуни:**

### **1. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**

#### **ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА**

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги № 684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2018 йил 26 айда № 3016-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентилигининг “Харид тартибатомийларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги тартиби асосида ишлаб чиқилди.

#### **1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

1. Ихтисослаштирилган маҳсус ўрнатиш фойдаланиш бўлими балансидаги йўлларни таъмирлаш бўйича замонавий краскалар билан таъминловчи ҳамда сифатли краскаларга эга бўлган ташкилотлар жалб қилинади.

1.2. Танловнинг охирги қиймати – 135 248 500 (бир юз уттиз беш миллион икки юз кирк саккиз минг беш юз) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқкан ташкилот билан шартнома тузилади.

- 1.4 Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 1 йил.
- 1.5 Ишларни бошлиш муддати-буортма берилган кундан бошлаб хисобланади.

#### **2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

- 2.1 “Ихтисослаштирилган маҳсус ўрнатиш фойдаланиш бўлими” (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади)-танлов ташкилотчиси хисобланади.  
“Буюртмачи” манзили: Почта манзили Ўзбекистон Республикаси, Сурхондарё вилояти, термиз шаҳри, Тахористон кўчаси, 156 уй.  
Эл. Адрес:

- 2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.
- 2.3. Танлов “Ихтисослаштирилган маҳсус ўрнатиш фойдаланиш бўлими” биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси орқали қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### **3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорлар қуйидаги малаквий талаблар қўйилади:

- танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган ресурслари ва мутахасисларнинг мавжудлиги;
- шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала хуқуқий лаёқат ва ваколатлар
- танлов обектига ўхшаш обектлар билан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;
- ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисидаги маълумотлар;
- танлов обектида ўз кучлари бажариладиган ишларнинг мўлжаллана ётган хажми (50 фоиздан кам бўлмаган холда);
- Низом маблағи миқдори

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

- қайта ташкил этилиши (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар хамда муассасалик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган

бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир бирига молиявий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари-талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиха хужжатлари, хусусан лойиҳани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши хақида мурожаат қилишга хаклидирлар.